O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 310309

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 31-mart • Seshanba • 38 (27.999) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«... юртимизда моддий ва маънавий жараёнларнинг ўзаро мутаносиб тарзда ривожлантирилаётгани сиёсий-ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг мустаҳкам гарови бўлиб хизмат қилмоқда».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

«АГРОБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида:

1. «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг уни «Агробанк» акциядорлик тижорат банки этиб қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгиланснки, «Агробанк» АТБ очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинади ҳамда мулкий, молиявий ва бошқа мажбуриятлар бўйича, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи талаблар бўйича «Пахтабанк» АТБнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қўйидагилар «Агробанк» АТБнинг асосий вазифалари этиб белгиланснн:

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига кредит бериш ва комплекс тарздаги банк хизматлари кўрсатиш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан пахта ва ғалла маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит бериш ва молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга, замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш;

банкнинг шахсий ресурсларини сафарбар қилиш, омонатлар ва депозитларнинг янги жозибадор турларини таклиф этиш йўли билан аҳоли ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш, улардан самарали, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда самарали фойдаланиш, қўйилган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ва грантларини жалб этиб, кейинчалик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ва республика иқтисодиёти агросаноат сектори корхоналарини ана шу маблағлар ҳисобига қайта молиялаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда «Агробанк» акциядорлик тижорат банкига банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш учун халқаро молия институтлари ва хорижий молия-кредит тузилмаларининг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этишда ёрдам кўрсатсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда «Агробанк» АТБ Кенгашининг таркибини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 30 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда тасдиқланган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ:

1. «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки акциядорлари қарори ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Марказий банкининг:

«Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки негизида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги;

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки устав капиталини 150 миллиард сўм миқдорида шакллантириш, улушларни унинг акциядорлари орасида иловага мувофиқ тақсимлаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгиланснки, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки очиқ акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади ҳамда мулкий, молиявий ва бошқа мажбуриятлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини сақлаш ҳамда ўз вақтида қайтаришни кафолатловчи талаблар бўйича «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банкининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

28 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Парламент юқори палатаси аъзолари ялпи мажлиснинг иккинчи кунини «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Сенаторлар томонидан эътироф этилганидек, Қонун нормалари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни ҳозирги тамойилларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солади. Киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар жиноий йўл билан топилган даромадларни қонуний тус бериб, «ҳалоллаб олиш»га ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимининг самарадорлиги ҳамда амалий йўналишдаги ҳаракатчанлигини оширишга, мазкур тизим шу соҳадаги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар ҳамда стандартларга янада тўлиқроқ мувофиқлаштирилишини таъминлашга йўналтирилгандир. Айни бир вақтда киритилаётган ўзгартишлар қонун ҳужжатларини молиявий операциялар амалга оширилаётганда тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари ишончли тарзда муҳофаза этилишини таъминлайдиган тарзда янада либераллаштириш учун шароитлар яратади. Қонунни сенаторлар маъқулладилар.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимни (Тошкент, 2008 йил 15 август) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ҳамда маъқулладилар. Сўзга чиққан сенаторлар ушбу Қонунни қабул қилиш замирида 2008 йил 15 август куни Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш мақсади мужассам эканлигини қайд этиб ўтдилар.

Сўнгра Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотни тингладилар.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда демократик жамиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиш юзасидан собитқадам иш олиб борилмоқда, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

✓ ЎзХДП ҳаёти

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЎЗГАРИШЛАРДА

хотин-қизларнинг муносиб ўрни бор, дея таъкидланди

Боёвут туманида ўтказилган анжуманда

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари ҳамкорликда ўтказган учрашув «Жамият. Сиёсат. Аёл» деб номланди.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари, туман партия кенгаши, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда мамлакатимиз қонунчилигида хотин-қизлар ҳуқуқларининг мустаҳкамланаётгани, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қилинаётган ишлар ҳақида сўз борди.

— Учрашув туманнинг олис қишлоқларидан бирида ўтказилаётгани билан аҳамиятлидир, — деди вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳаётхон Ортиқбоева. — Бугун аёлларимизнинг жамиятдаги ролини янада кучайтириш, ўз салоҳиятларини намойиш этиши учун етарли имкониятлар бор. Буни биргина вилоятимиз фаол ва бунёдкор хотин-қизлари томонидан олиб борилаётган ишларда ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева бугунги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётда қишлоқ аёли фаоллигини янада ошириш масаласи ҳақида тўхталди.

2-бет

НАВРЎЗ ДАВОМ ЭТМОҚДА!..

халқимизнинг севимли байрами 1-Тошкент педагогика коллежида ҳам кенг нишонланмоқда

— Байрам тадбирлари бир ой давомида бўлиб ўтади, — дейди коллеж директори, профессор Шавкат Қурбонов. — Уларда ўқувчи қизларимизни миллий урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, эстетик дидларини ўстириш, уларда педагогларга хос бўлган фазилатларни шакллантиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Билим масканида байрам тадбирлари кўрик-танлов асосида ўтказилмоқда. Ўқувчи қизлар сумалак, ҳалим, кўк сомса каби баҳорий таомларни муаллимлари билан бирга тайёрлашяпти. Шунингдек, ушбу тадбирлар доирасида ёшларимизга Наврўз байрами ва унинг тарихи тўғрисида маълумотлар берилади.

— Бугун жуда хурсандман, — дейди 3-босқич талабаси Умида Баҳодирова. — Наврўзга бағишланган кўргазма-танловда дугоналарим билан бирга тайёрлаган миллий таомларни ҳамда ўзимиз тиккан кийимларни намойиш этаяпмиз. Ушбу байрам тадбирлари сабаб биз бир қатор уй-рўзғор юмушларини ҳам ўрганиб олдик.

Коллеждаги Наврўз шодиёналари каттаю кичикка бирдек шоду хуррамлик бағишлади. Кўнгилларга қувонч олиб кирди. Ёшлар қалбида эртанги кунга бўлган ишончни, бунёдкорлик ва эзгулик, меҳр-мурувват туйғуларини мустаҳкамлади.

Абдусалим МАҲМУДОВ

• САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши Ахборот-ресурс марказида мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ва унга киритилган ўзгаришларни ўрганишга бағишланган семинар ўтказилди.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

• ТИББИЙ МУОЛАЖА НАТИЖАСИ

мутахассис малакасига боғлиқ

3-бет

❖ Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

• БАЛАНД БОЗОР ЁХУД ЭСКИ ЖЎВА

Баъзи тарихчилар эса «эски» — сўзи сўғд тилида баланд деган маънони англатади ва бу термин қадимий Тошкентга жуда мос деган хулосага келиб, Эски Жўва — «баланд бозор» дегани деб таъкидлайдилар.



4-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

2. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

уй жой-коммунал, ижтимоий соҳа ва қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш борасидаги эҳтиёжларни амалга оширишда аҳоли ҳамда юридик шахсларга кредит бериш ва банк хизмати кўрсатиш;

қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй жойлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ҳамда таъмирлашни амалга оширадиган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларга кредит бериш ва лизинг хизматларини кўрсатиш;

янги, замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқарадиган, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этадиган барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга кредит бериш ва комплекс тарзда банк хизматларини кўрсатиш;

қишлоқ қиёфасини сифатли яхшилашни, қишлоқ жойларда муҳандислик ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва такомиллаштиришни, жумладан, йўллар, энергия ва сув таъминоти тизимлари, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар, болалар спорти объектларини реконструкция қилиш, қишлоқ аҳоли пунктларини транспорт коммуникациялари, ичимлик суви, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси объектлари, телекоммуникация тармоқлари билан таъминлашни назарда тутган ҳолда инвестиция фаолиятини олиб бориш, шунингдек, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни молиялаштириш;

универсал тижорат банки сифатида юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги бошқа комплекс банк хизматларини кўрсатиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг ресурс базасини қуйидагилар ҳисобидан қўшимча шакллантириш манбалари борасидаги таклифлари қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик 3 фоизли фоиз ставкаси бўйича ва 2010 йилда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар ҳисобидан 5 йил имтиёзли давр билан 170,0 миллиард сўмгача миқдорда камида 15 йил муддатга бериладиган мақсадли кредит линияси;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий молия-кредит тузилмаларининг мақсадли, узоқ муддатга мўлжалланган имтиёзли кредитлари, инвестициялари ҳамда грантлари;

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан қўшимча чиқариладиган акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни юридик ва жисмоний шахсларга сотишдан тушадиган маблағлар.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан, шу жумладан «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг устав капиталини шакллантириш учун ажратиладиган маблағлар тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй жой қурилишини молиялаштиришга мақсадли тарзда йўналтирилади;

жисмоний шахсларга намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй жой қурилиши учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкаси билан энг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача миқдорда 15 йил муддатгача кредитлар берилади;

лойиҳаларни банк томонидан бозор шартлари асосида жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ҳамда бошқа банк хизматларини кўрсатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тижорат асосида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш учун халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий молия-кредит тузилмаларининг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ҳамда грантларини жалб этишда «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкига кўмак берсин.

6. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки фойда ва мулк солиғи, шунингдек, олиб келинадиган банк жиҳозлари ва техникаси учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) 2012 йилнинг 1 январигача озод этилсин, бўшайдиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг банк устав капиталидаги улушини кўпайтиришга мақсадли тарзда йўналтирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ўн кун муддатда «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки Кенгашининг шахсий таркибини ва филиал шохобчалари жойлашувини тасдиқласин;

бир ой муддатда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй жой қурилишини кредитлаш тартибини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 30 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Нематилла **Баймуратов** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 28 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЛАЙЗИЯДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ВАЗИФАСИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Шукур Абдурахманович **Сабитов** Ўзбекистон Республикасининг Малайзиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 28 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТУРКМАНИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ВАЗИФАСИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Шерзод Мирагламович **Файзиев** Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 28 март

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Ана шу жараёнда адлия органларининг вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинглар ўтказиш йўли билан қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўлланиш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати юритилишини таъминлаш борасидаги иши муҳим ўрин тутади.

Шу билан бирга, ўтказилган мониторингларнинг натижалари норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда уларни амалга киритиш юзасидан белгиланган тартиб айрим вазирликлар ва идоралар томонидан бузилаётганлиги ҳоллари ҳам мавжудлигидан, назорат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тегишли таркибий бўлинмаларининг тадбиркорлик субъектлари қўллаб-қувватланишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг олдини олиш масалаларига оид фаолиятида муайян камчилик ва нуқсонлар ҳам борлигидан далолат беради.

Бош прокурорнинг ҳисоботида қайд этиб ўтилганидек, прокуратура органлари асосий эътиборни қонунларнинг ижроси устидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришга, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялашга ҳамда уларнинг фаолиятига ғайриқонуний аралашув ҳолларини бартараф этишга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришга, қишлоқ хўжалигида ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қарата чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилиши устидан назоратни таъминлашга қаратилди. Фермерликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик ғовтўсиқларни бартараф этиш, фермер хўжаликларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ерларини қонунга хилоф равишда ажратиб бериш ва улардан ғайриқонуний фойдаланиш ҳолларини бартараф этиш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Сенаторлар Омбудсманнинг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқар эканлар, шуни алоҳида эътироф этдиларки, инсон ҳуқуқлари ишончли ҳимоя этилишини таъминлашда, фуқаролик жамияти сари изчил илгарилаб боришда, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг, шу жумладан парламент Омбудсманининг ҳуқуқий мақомини ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашда давлатимиз раҳбарининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида» ўтган йили чиқарилган Фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлди, унинг қоидаларини амалга оширишга қаратилган ишлар эса Ўзбекистон ўз тараққиётининг танлаб олинган демократик йўлига содиқ эканлигининг яна бир тасдиғи бўлиб қолди.

Мажлис асосида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳам тингланди.

Муҳокама давомида сенаторлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлаш, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштириш борасидаги фаолияти кучайтирилиши зарурлигини таъкидладилар.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига мамлакатимиз Президенти томонидан тақдим этилган номзодни тасдиқладилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Малайзиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига тааллуқли бошқа долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Икки иш куни мобайнида мажлисда йигирма учта масала, шу жумладан 13 та қонун кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан 60 нафардан ортиқ сенатор сўзга чиқди.

Сўзга чиққан сенаторларнинг фикрича, маъқулланган қонунлар, муҳокама этилган масалалар юзасидан, шу жумладан Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги хусусидаги масала юзасидан қабул қилинган қарорлар мамлакат иқтисодиёти ва аҳолиси жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг эҳтимолий салбий оқибатларидан ишончли тарзда ҳимоя этилишини таъминлаш, демократик, социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини янада ошириш ишига қўшилган муҳим ҳисса бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ **ЎзХДП ҳаёти**

ЯНГИ РАИС САЙЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Унда партия кенгашининг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлашдаги иштирокини кучайтириш, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда партия фаолларининг ўрни муҳомака этилди.

Пленумда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Гулистон Аннақличева, Жўқорғи Кенгес депутатлари, Қорақалпоғистон республика касаба уюшмалари бирлашмаси раиси Сагиндик Ниетуллаев, «Қорақалпоқтранс» уюшмаси раҳбари Ҳабибулла Худайбергенов, республика бастакорлар уюшмаси раиси Нажимитдин Мухамединов, партия Нукус шаҳар, Кегейли туман кенгашлари раислари Саденбай Нурманов, Еркин Хожанов ва бошқалар бугунги кундаги энг долзарб вазифалар, бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайловларни юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан фикр билдирдилар.

Пленум ташкилий масалани ҳам кўриб чиқди. «Аму тонги» газетасининг Бош муҳаррири бўлиб ишлаб келаётган Назира Матёкубова Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Олим Равшанов иштирок этди.

Алписбой ИБАДУЛЛАЕВ

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши Ахборот-ресурс марказида мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ва унга киритилган ўзгаришларни ўрганишга бағишланган семинар ўтказилди.

Халқ депутатлари вилоят, Қарши шаҳар ва туман Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, партия кенгашлари масъул ходимлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари, БПТ раислари унда иштирок этдилар.

Вилоят партия кенгаши раиси Р.Муртазаев сайлов тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгаришлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини партия аъзолари, электорати вакилларига чуқурроқ тушунтириш лозимлигини таъкидлади. Мустақиллик йилларида вужудга келган, жаҳон андозаларига мос демократик сайловлар сиёсий партиялар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Семинарда шунингдек, вилоят адлия бошқармаси масъул ходими А.Исоқов, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг минтақавий ахборот-таҳлил маркази бош илмий ходими Н.Ҳалимов мавзунинг турли жиҳатлари ҳақида фикр юритдилар. Ўзаро савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Шу куни вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳузурида «Ёшлар клуби» ташкил этилди. Клуб ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш, мамлакатимизда эркин демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида уларнинг иштирокини кучайтириш, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастури ғояларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишга хизмат қилади.

Музаффар ТУРОПОВ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЎЗГАРИШЛАРДА

хотин-қизларнинг муносиб ўрни бор, дея таъкидланди
Боёвут туманида ўтказилган анжуманда

— Аёлларнинг жамиятда эркин фаолият юритиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган, — деди у. — Хотин-қизлар ҳуқуқларининг кенгаяётгани уларнинг жамиятдаги ўрнини қуйидаги биргина мисолда ҳам кўриш мумкин. ХДП аъзоларининг 40,1 фоизи ёки 144018 нафарини аёллар ташкил этади. Депутатлик гуруҳларида ҳам партиядош аёлларимизнинг мавқеи анча баланд. Ҳозир партиямиз аъзоларидан 4 нафари Олий Мажлис, 41 нафари вилоят Кенгашлари, 357 нафари шаҳар ва туман Кенгашлари депутатларидир.

Электоратимизнинг катта қисмини аёллар ташкил этади. 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб аталгани партиямиз «Фаол аёллар» қанотининг бу борадаги ишларини янада жонлантиришни тақозо этаяпти. Қишлоқ аёлларини ижтимоий-иқтисодий фаолиятга кўпроқ жалб этиш, янги иш ўринларини яратиш, касаначилик бўйича тўпланган энг яхши тажрибаларни жорий қилиш муҳим вазифаларимиздир.

— Менинг назаримда, хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалда таъминлаш мустақиллигимиз берган имкониятлардан бири бўлди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулистон Аннақличева. — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1952 йилда қабул қилинган «Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида», 1957 йилда қабул қилинган «Турмушга чиққан аёлларнинг фуқаролиги тўғрисида» ва ўтган аср ўрталарида қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенциялар ратификация қилинган ҳамда уларнинг тамойиллари ҳаётимизда ўз ифодасини топаяпти. Амалдаги қонун ҳужжатларига аёллар ҳуқуқларига оид ўзгартиришлар киритиш, болалар ҳуқуқи бўйича омбудсман институтини, ювенал суд тизимини жорий этиш мўлжалланмоқда. Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши шубҳасиз, хотин-қизларимиз ҳуқуқини таъминлаш ишини янги босқичга кўтаради.

Қонунчилик палатаси депутати Муҳаббат Абдуллаева болалар ҳуқуқини муҳофаза этиш, таълим-тарбияга оид қонунлар ва уларнинг моҳияти ижтимоий муҳофаза, эътиборга муҳтож оилалар манфаатларини ҳимоялаш масалалари ҳақида батафсил тўхталди.

Шунингдек, сўзга чиққан халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати, тумандаги 31-мактаб директори Бахрихон Бобоқулова, Боёвут туман «Истиқбол» газетаси муҳаррири Орзу Абдусамадов ва бошқалар хотин-қизларнинг жамиятимиздаги беқиёс ўрни борасида гапирди. Учрашув қизғин савол-жавоблар асосида ўтди.

Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Қўнғирот-брезент» масъулияти чекланган жамияти қисқа вақт ичида энг илғор корхоналар сафидан жой олди. Ўз иш фаолиятини 65 нафар ишчи билан бошлаган корхонада бугун 125 нафар киши меҳнат қилмоқда. Бу ерда тўқиш, бўяш, тикиш каби қатор цехлар мавжуд бўлиб, улар асосан «Қорақалпоқпахтасаноат» бирлашмаси тасарруфидаги пахта заводларига сифатли брезент маҳсулотлари тайёрлаб бераяпти.

Эътиборли жиҳати, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилидан бошлаб, корхона аҳли юпқа бўз матолардан эҳтиёжталаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам киришди. Ҳозир ҳудуддаги фермер хўжаликлари ўзлари учун керакли фартук ва махсус иш кийимлари учун корхонага буюртмалар бермоқда.

— Биз тайёрлаётган брезент маҳсулотлари, пахта териш фартуклари ва махсус иш кийимлари қишлоқ меҳнаткашлари фаолиятида, айниқса йиғим-терим кезларида жуда-жуда асқотади, — дейди корхонанинг илғор ишчиси Журсинбек Жарасов. — Шунинг учун ҳам буюртмалар оқими кун сайин кўпайиб бораяпти.

Суратларда: цех мастери Нагима Яхшимова ва тикувчи Шаҳноза Жапакова;ишчи Журсинбек Жарасов.

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

✓ Ҳуқуқий ислоҳот

ҚОНУН АСОСИДА ЯШАШ — ЗАРУРАТ

Маълумки, бозор муносабатлари ўзига хос ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, қонун асосида эркин фаолият кўрсатиш ва масъулиятни зиммага олишни талаб этади. Бироқ, айрим фуқароларимиз қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар моҳиятини яхши билмаслик оқибатида иқтисодий жиноятлар содир этса, баъзилари эса ҳеч ким сезмайди, билмайди, дея енгил ўйлаб, қинғир ишга қўл уришмоқда.

Инсонни озодликдан маҳрум этиш эса энг оғир жазолардан ҳисобланади. Лекин, узоқ йиллик тажрибадан маълумки, бу жазоннинг ўзи қатор ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки, ҳар бир инсон ортида унинг оиласи, фарзандлари ҳимояси, тарбияси, тақдири турибди. Шу боис, Президентимиз ташаббуси билан бозор иқтисодиёти шароитида жиноий жазоларни либераллаштириш масаласи кун тартибига қўйилди. 2001 йилда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мазкур қонун миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган. Энг муҳими, мазкур қонун иқтисодий соҳадаги жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жазони енгиллаштириш ва иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятларини кенгайтирди.

Ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ва оғир бўлмаган жиноят содир этганлар жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши нечоғли инсонпарвар эканлигини ўз ҳаётлари мисолида чуқур англаб етдилар.

Шу ўринда яқинда бўлиб ўтган Олий суд раёсати йиғилишида алоҳида қайд этилган қуйидаги рақамларни келтириб ўтишни ўринли, деб ўйлаймиз. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят оқибатида етказилган 51 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарар қопланганлиги сабабли 11 минг нафарга яқин шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Фикримизни Тошкент вилояти мисолида давом эттирсак. Ангрен шаҳрида яшовчи Абдумўмин Рўзиев «GERADOT» хусусий фирмани ташкил этганида олдига қандай мақсадлар қўйгани бизга қоронғу. Аммо у мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, жиноий ҳаракатларини яшириш мақсадида фирманинг ҳужжатлари, муҳр ва штампларини қасддан йўқотган. Ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликда айбланиб, иши судга оширилди. Жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди унга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Прокурор протести ва судланган А.Рўзиев шикояти жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанцияси судида кўриб чиқилди. Судлов ҳайъати Абдумўмин Рўзиев етказилган моддий зарарнинг ярмидан кўпроғини қоплаганлиги, тўрт нафар фарзанди борлиги ва бошқа ҳолатларни эътиборга олди. Унинг хулқини озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш йўли билан қайта тарбиялаш мумкин, деган қатъий хулосага келди ва А.Рўзиев қамоқдан озод қилинди.

Ёки Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмаси «Саломатлик маркази» мудири У. Эргашев жиноят ишини олиб кўрайлик. У 2004 йил августидан 2007 йил 7 апрелгача Оққўрғон туман марказий шифохона бош шифокори лавозимида ишлаган даврида жиноий шериклари билан ҳужжатларни сохталаштириб, жуда кўп миқдордаги маблағни ўзлаштирган. Апелляция судлов ҳайъати У.Эргашев жиноий шериги билан биргаликда етказилган зарарнинг саксон фоизидан ортиқ қисмини нақд пул тўлаш билан қоплаганлигини эътиборга олди ва унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлади. Шўролар замонида эса кўп миқдорда камомадга йўл қўйган ва ўзлаштирганлар қамалиши, молмулки мусодара қилиниши мумкин эди. Лекин инсонпарварлик, одиллик руҳи билан суғорилган ҳозирги амалдаги қонунчиликда жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлламаслик ҳақидаги нормалар киритилдики, бу жиноят ва жазо тушунчасига мутлақо янгича ёндашувдир.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш лозим. Қонунларимизнинг инсонпарварлик тамойили — бу жиноят жазосиз қолади, дегани эмас. Иқтисодий жиноятларга нисбатан жазоларнинг либераллаштирилишидан кўзланган мақсад инсонни қадрлаш, уни кечириш, унга ўз хатосидан хулоса чиқариб, ҳалол яшаш имконини бериш.

Ҳаёт ўзгариб бораяпти. Унга ҳамоҳанг қонунлар ҳам такомиллашмоқда. Мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар фуқароларнинг манфаатларини самарали ҳимоя этишга, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилмоқда.

Юсуф ИЛҲОМОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раисининг ўринбосари.

❖ Таълим

ТИББИЙ МУОЛАЖА НАТИЖАСИ

мутахассис малакасига боғлиқ

Тошкент Тиббиёт академияси тиббий педагогика факультети декани, профессор Турдиқул БОБОМУРОТОВ билан суҳбат

— Турдиқул Акрамович, жаҳон тажрибасида умумамалиёт шифокори ёки оила шифокори тиббиётнинг асосий бўғини ҳисобланади. Мамлакатимизда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил топган «Истеъдод» жамғармаси грант соврини билан Жанубий Кореянинг Сеул шаҳридаги Ёнсей олийгоҳида даволаш принциплари ва ўқув жараёнини ташкил қилиш бўйича малака оширдим. Уларда кўпроқ талабалар мустақил тайёргарлик кўради, бизда эса аудитория соатларига эътибор қаратилади. 2005 йилда талабаларимиз орасида «Мустақил ишлаш ёки мустақил тайёргарлик керакми?» деган сўровнома ўтказдик. Уларнинг аксарияти «аудитория соатлари»ни ёқлашди. Бугун эса улар бўлажак умумамалиёт шифокори учун мустақил изланиш олиб бориш зарурат эканини англаб етишди.

Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ врачлик пунктларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор берилаяпти. Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун мутахассис аввало замонавий тиббий-техника воситаларидан самарали фойдалана олиши муҳим. Бундан ўн йиллар илгари талабага назарий билим беришга эътибор қаратилар эди. Ҳозир дарслар амалиёт билан боғлаб ўтилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Самарқанд вилоятидаги 2 та ҚВП модели (андазаси) Тошкент Тиббиёт академиясига кўчирилди. Ҳозир талабаларга ана шу 2 та ҚВП ўқув модели асосида сабоқ берилади.

Унда талабалар муаммоли ўқиш машғулотлари ўтишади, беморни қабул қилади, лаборатория текшируви ўтказади, ташхис қўяди. Даволаш муолажаларини тайинлайди, яъни, яхлит бир тизимни амалда қўллайди. Шу ўринда Конфуцийнинг: «Эшитганларим хотирамдан кўтарилиши мумкин, кўрганимни эса ёдимда сақлайман, бажарганимни англаб етаман» деган сўзлари ёдимга тушади. Демак, талаба аудиторияда нимани эшитиб, амалиётда нимани кўрса, бажарса, бу уни врач сифатида фикрлашга ўргатади.

Жаҳон тиббиёт тажрибасида умумамалиёт шифокори тайёрлаш учун ўқув жараёнида фантом ва муляж (инсон тана аъзоларининг мумдан ясалган қолипи)дан кенг фойдаланилади. Академиямизнинг 2 та амалий кўникмалар маркази бу кўргазмали қуроллар билан таъминланган.

Тиббиётда умумамалиёт шифокори тайёрлаш ўқув жараёни йилдан-йилга такомиллашиб боряпти. Масалан, 2005-2009 ўқув йилида факультетимиз профессор-ўқитувчилари томонидан бир қатор янги педагогик технологиялар, интерфаол усуллар татбиқ этилди, электрон дарсликлар яратилди.

Янги педагогик технологиялар асосини ташкил қилувчи интерфаол ўқитиш усуллари барча кафедраларимизда кенг қўлланилмоқда. Педагогика ва психология кафедраси томонидан бу борада бир қатор услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди. Ички касалликлар пропедевтикаси, юқумли касалликлар, умумамалиёт шифокори, терапия ва бошқа кафедраларимизда ягона методик тизимда ўқитишга ўтилди. Ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасида битта машғулотда 4 та интерфаол ўқитиш усули қўлланилади.

— Шифокорларнинг касб малакаси хусусида баъзан одамлардан «Дўхтир бир кулоч дори ёзиб берди» каби истеҳзо эшитиб қоламиз. Бу гапда қанчалик жон бор?

— Самарқанд тиббиёт институти клиникасининг болалар бўлимида ўн йилдан ортиқ ишладим. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтсам, ҳақиқатан ҳам баъзи тиббий муассасаларда, айниқса, туманларда дори-дармонни ортиқча қўллаш — полипрогмазия ҳолатини кузатиш мумкин. Масалан, болада бир нечта касалликнинг клиник белгилари мавжуд. Умумамалиёт шифокоридан унинг бошқа тана аъзосига безарар дори-дармон қўллаш талаб этилади. Ҳозир таркиби бир-биридан унча фарқ қилмайдиган ҳар хил дори-дармон реклама қилинади. Шунинг таъсирида айримлар дори-дармондан малакасизларча фойдаланади. Етарли касбий тажриба бўлмаса, умумамалиёт шифокори рекламага асосланиб, бир-бирига ўхшаш дори-дармон тавсия этади.

— Маълумки, ҳар қандай илмий тадқиқот амалиётдаги натижаси билан қимматли. Бинобарин, дори-дармондан мақсадли фойдаланиш борасидаги илмий тадқиқотлар амалиётда қандай самара бераяпти?

— Бу борада кўп иш қилинган, айниқса, таниқли биофизик олим Рустам Раҳимов янгилиги эътиборга молик. У яратган керамик инфрақизил нурли лампочкалар 1996 йилда амалиётга жорий қилинган. У 100 дан ортиқ турдаги касалликларни даволашда қўлланилади.

«Болаларда ўткир бронх ўпка касалликларини даволашда регионал лимфатик терапия ва тор спектрли инфрақизил нурларни қўллашнинг самарадорлиги» мавзуида ўн йил илмий тадқиқот олиб борганман. Болаларда регионал лимфатроп антибиотикотерапия усулини қўллаб даволаш ва дори-дармон ишлатиш миқдорини камайтириш устида изланганман. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, беморнинг уй шароитида, клиникада даволаниш муддати қисқаради, соғайиш сифати ортади, касалликнинг клиник белгилари тез йўқолади. Ҳозир икки шогирдим шу мавзуда изланишни давом эттирмоқда. Бу борада ҳар йили 5-6 та янгилик амалиётга татбиқ этиляпти, 2 та ихтирога патент олдик.

Бемор каттами-кичикми — унинг соғлиғини ҳимоялаш, даволаш, тиббий муолажа жараёни шифокордан ўзига хос, индивидуал ёндашувни талаб қилади. Бу, айниқса, умумамалиёт шифокори зиммасига катта масъулият юклайди.

Суҳбатдош:
Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: академиянинг тиббий педагогика факультети декани, профессор Т.Бобомуротов ҳамда талабаларнинг мустақил ўқув машғулотларидан лавҳалар.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.



ПАСПОРТ АФЗАЛЛИГИ
ҳақида уқтирилди

АҚШ давлат департаменти ўтган шанбада паспорт кунини ўтказди. Давлат департаментидан «Новости» АА мухбирига маълум қилишларича, шу куни АҚШ фуқароларига паспортнинг афзалликлари хусусида кенг тушунтиришлар берилди. Шу куннинг ўзида паспорт хизмати идораларида навбатсиз, ҳеч қандай тўловсиз ҳужжатларни расмийлаштириш ва паспорт бериш тадбирлари амалга оширилди. Маълумки, АҚШнинг барча фуқаролари ҳам ўз паспортига эга эмас. Мамлакат ичида фуқаролар учун ҳайдовчилик гувоҳномасининг ўзи етарли.

Аммо чегарадан киришчиқиш тизими аста-секин қатъий тартибга солинмоқда. 2007 йил январдан эътиборан самолётда чегарадан ўтувчи ҳар бир АҚШ фуқароси шахсий паспортига эга бўлиши шартлиги қатъий белгиланган. Жорий йилнинг 1 июнидан эса АҚШ фуқаролари Канада, Мексика ва бошқа қўшни давлатлар чегараларидан ўтаётиб, албатта, паспортни кўрсатишлари шарт.

МЕНИНГИТ ЭПИДЕМИЯСИ
катта хавф туғдирмоқда

Ўтган ҳафтанинг ўзида Нигерияда аҳолининг менингитга чалиниши бўйича 4 мингта ҳолат қайд этилди, 171 киши айнан шу касаллик туфайли дунёдан кўз юмди, дейилади Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида.

Нигерия Соғлиқни сақлаш вазирлигидан маълум қилишларича, жорий йил 1 январдан 15 мартгача 17462 киши менингитга чалинган, шундан 960 нафарининг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади.

Умуман жорий йилнинг ўтган даврида «менингит белбоғи» деб аталаётган Африка ғарбида 25 минг кишига касаллик юққан бўлса, 1513 киши ҳаётдан кўз юмган. Касалларнинг 85 фоизи Нигер ва Нигерия шимолида қайд этилган.

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти вакили Фадул Чейбнинг айтишича, касаллик тарқалишининг олдини олиш учун 4 миллион дозадан ортиқ менингококк вакцинаси ажратилди. Бу мавсумий касаллик ўчоғини бартараф этиш учун яратилган умумий захиранинг учдан бирини ташкил қилади.

МУХОЛИФ КУЧЛАР
митинги

Қирғизистон мухолифатчилари ҳафта охирида Бишкекда бошлаган митингни тўхтатдилар, дея хабар беради «АКИpress» АА. Норозилик акцияси ташкилотчиларининг айтишларича, митингда 6 мингга яқин киши қатнашган, аммо маҳаллий ОАВ 1,5 минг атрофида мухолифатчи иштирок этганлиги ҳақида хабар тарқатди.

Норозилик митингида мамлакат президентига талабнома қабул қилинди. Мухолифат жорий йил июль ойида бўладиган президент сайловини ўтказувчи сайлов комиссияси таркибига ўз вакиллари киритилишини, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар раҳбарлари алмаштирилишини, мухолифат учун телеэфирга чиқиш имконияти яратилишини ҳамда сайловга кўплаб хорижий кузатувчилар таклиф этилишини талаб қилдилар. Ушбу талаблар бажарилиши учун мухолифат 20 апрелгача муддат белгилади. Агар шу муддатда талаблар бажарилмаса, кенг миқёсли, чекланмаган муддат давомида норозилик намойишини бошлаш, унда президент истеъфосини талаб қилиш ва сайловда унинг иштирокини тақиқлаш талаби қўйилиши билдирилди.

АГАР ТАЛАБ ҚОНДИРИЛМАСА
қурилиш бутунлай тўхтатилади

Тожикистоннинг «Сангтудин 1-ГЭС»и қурувчилари 2008 йил декабрдан бери маош ололмаётгани боис иш ташлаш эълон қилишди.

«Новости» АА хабар беришича, агар иш ташловчилар ўз талаблари қондирилмаса, қурилиш бутунлай тўхтатилиши ҳақида «Сангтудин 1-ГЭС» ОАЖ раҳбариятини огоҳлантирдилар. Маълумотларга қараганда, ГЭСнинг охирги (тўртинчи) агрегати шу йил апрелда ишга туширилиши лозим эди, аммо қурувчиларнинг иш ташлаши боис энди унинг ишга тушиши номаълум муддатга кечиктирилади.

«Сангтудин 1-ГЭС» ОАЖ барибир ишчилар билан ҳисоб-китоб қилолмайди, негаки, ишга туширилган учта агрегат ишлаб чиқарган электр энергияси учун «Барки Тожик» давлат компанияси ОАЖга ҳали пул тўламаган. «Барки Тожик» «Сангтудин 1-ГЭС»и ОАЖдан 16 миллион сомони (4 миллион доллар атрофида) миқдорида қарз.

ГЭС қурилишида 400 га яқин киши қатнашмоқда. ГЭСнинг 4 та агрегати ишга туширилгач, унинг қуввати 670 мегаваттни ташкил этади.

Қурилиш Россия — Тожикистон ҳамкорлигида (75 фоиз акция Россияга тегишли) амалга оширилмоқда.



NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

миллий валютадаги эгаси кўрсатилмайдиган ютуқли жамғарма сертификатлари чиқарилаётганини маълум қилади.

- муомала муддати — 13 ой;
- номинал қиймати — 5.000 сўм;
- фоиз ставкаси — йиллик 18%+йиллик 2% бонус;
- фоизлар жамғарма сертификати сўндирилаётганда тўланади.

Ҳар бир жамғарма сертификати қимматбаҳо совринлар (телевизорлар, музлатгичлар, кир ювиш машиналари, чангютгичлар, компьютерлар ва бошқалар) ютуқ сифатида қўйилган ўйинда қатнашади.

Ютуқли жамғарма сертификатларини Миллий банкнинг барча бўлим ва филиалларида сотиб олинг.

Биз ўз жамғармаларини бошқаришни бизга ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб биламиз!

Қўшимча ахборотни 234-15-60, 234-11-22 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг ҳар қандай бўлим/филиалида олиш мумкин.

www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган.

❖ Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

Ҳай-ҳай, бозор бўлганда ҳам қандай бозор денг? Бу томони Эрон-у Турон, Макка-ю Мадина, Маймана-ю Майсара, Хито-ю Чин, Истанбул-у Мозандарон — на қуйи, на паст, на ўнгу, на чап. Бундай катта бозорни одам боласи кўрмаган бўлса керак. Байбай, бундай бозор «Қиссасуланбиё»да ҳам, «Ҳурилиқо» деган китобда ҳам ёзилмаган, ҳеч қаерда — тарихда йўқ.

Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» қиссасида Эски Жўва бозорига шундай таъриф берилган.



БАЛАНД БОЗОР
ЁХУД ЭСКИ ЖЎВА

Тошкент қадим-қадимдан Ғарбни Шарқ билан боғловчи Буюк ипак йўлида жойлашганлиги ҳамда Ўрта Осиёнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий марказларидан бири бўлганлиги туфайли бу ҳудудда йирик карвонсаройлар ва савдо марказлари вужудга келади. Шайхонтоҳур даҳасида жойлашган Эски Жўва бозори қарийб ўн бир асрдан зиёдроқ тарихга эга бўлган Шарқнинг ана шундай энг йирик савдо марказларидан бири бўлганлиги манбаларда қайд этилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, унинг бозор сифатида шаклланиши VII-VIII асрларга, яъни Тошкентнинг ҳозирги янги шаҳар деб номланадиган қисмидан эски шаҳар қисмига кўча бошлаган даврига тўғри келади.

Кейинчалик шаҳарнинг бир қатор жойларида бошқа йирик савдо марказлари ҳам пайдо бўлган. Мисол учун XVIII асрнинг иккинчи ярмида қурилган ва 1810 йилда вайронага айлантирилган Ўрда тепалиги ўрнида ҳам гавжум бозор бўлиб, асосан сут маҳсулотлари билан савдо қилинган. Шунинг учун ҳам бозор «Қаймоқбозор» деб ном олган. Бозор жойлашган ҳудуд ҳозирги У.Юсупов, Навоий, Қодирий кўчалари ва Анҳор канали оралиғига тўғри келади.

«Тошкентнинг янги тарихи» номли асар муаллифининг ёзишича, Тошкентдаги энг катта бозор — бу Жўйбор мавзеидаги бозор бўлиб, аҳоли уни Жўбо деб нотўғри айтган.

Тошкентни истило қилишда қатнашган В.Верешчагиннинг ёзишича, Шарқ шаҳарларининг ҳеч бирини кенглиги жиҳатидан тошкентликларнинг бозорига тенглаштириб бўлмайди.

Дарҳақиқат Эски Жўва бозор сифатида шаклланиш жараёнида ҳудуди кенгайиб, турли номлар билан аталган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, бозор дастлаб Регистон номи билан юритилган. Бу сўз қумлоқ деган маънони англатади. Эски Жўванинг Регистон дейилишига сабаб Жангоб ариғининг ҳозирги бозор марказидан ўтадиган жойлари пастлик ва тошлоқ бўлган. Умуман Ўрта Осиёда одатда бозорлар экин экилмайдиган унумсиз ерларда ташкил қилинган. Бундан ташқари шаҳарларда марказий майдонлар ҳам Регистон деб юритилган. IX-XII асрларда Чоч вилоятининг марказий шаҳри бўлмиш Бинкатнинг бош майдони ҳозирги Эски Жўва ҳудудида жойлашган бўлиши мумкин деган тахминлар бор.

Бозорнинг илк шаклланиш даврида ёқ бу ерда шарқона ҳунармандчилик маҳсулотлари, шиша ва металл буюмлар билан савдо қилинган.

X асрда яшаган араб сайёҳи Мақдисий бу ҳақида шундай ёзади, **«Тошкентдан бошқа шаҳарларга темир буюмлар, эгар-жабдуқлар ва ҳунармандчилик маҳсулотлари олиб кетиларди, Тошкент камонлари ва нафис идиш товоқлари билан шуҳрат қозонган эди».**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида ёзишича Тошкентда камон ва камон ўқи ясайдиган усталарнинг шуҳрати бутун вилоятга тарқалган. Улар патли ва патсиз камон ўқларини ясаганлар.

XV-XVI асрларда шаҳар ҳозирги Ўрда ва Бешёғоч томон кенгайиб, Эски шаҳар ҳудудидаги Бинкат шаҳристони нураб боради. Натижада ўз даври талабларига жавоб бера оладиган ўрда ва шаҳристон ҳозирги Қоратош ва Олмазор маҳаллалари ўрнида қурилади. Эски ўрда ва шаҳристон ўрнида эса янги бозор пайдо бўла бошлайди. Бу ерда кулоллик, мисгарлик, тақачилик, тўқувчилик каби қатор устахоналар жойлашиб, Регистон бозори билан ёнма-ён равишда савдо-сотиқ қилина бошлайди. Шундан бўлса керак бу ҳар икки бозор қўшилиб, бир қанча муддат Қўшбозор номи билан аталган.

Эски Жўванинг маҳаллий аҳоли орасида энг кенг тарқалган номи бу — Чорсу. Тарихий шаҳарларнинг асосий чорраҳасидаги усти ёпиқ бўлган савдо-сотиқ жойи чорсу деб аталган. Чорсуларнинг пайдо бўлиши ҳам шаҳарларнинг ўзи каби қадимийдир. Қадимги Мисрда «шаҳар» доира ичидаги чорраҳа шаклидаги иероглиф орқали ифодаланган. Рим шаҳарсозлигида ҳам чорраҳа махсус иморат (тетропил) билан ажратилган. Болқон мамлакатлари меъморчилигида чорсу номи «чаршия» деб талаффуз этилган. Масалан Македониядаги Скопле ва Битала шаҳарларининг қадимги бозорлари айнан шундай аталган.

Чорраҳаларда қурилган тим, чорсу намуналарини Ўрта Осиёнинг Самарқанд ва Шаҳрисабз, Хива ҳамда Бухоро каби тарихий шаҳарлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Самарқанд чорсуси шаҳарнинг савдо-сотиқ марказида, олти асосий кўча — йўналишларининг кесишган жойида барпо қилинган.

Тошкент чорсуси дастлаб XI асрда маҳалла сифатида вужудга келган. У Тиканлимозор, Чуқурқишлоқ маҳаллалари ва Регистон бозори билан чегарадош бўлган. Унга шаҳарнинг асосий йўллари келиб туташган. Маҳаллада савдо расталари, косиблик дўконлари жойлашган. Чорсу бинолари синчдан, ясси томли қилиб ишланган. Табиийки, бозор билан чегарадош бўлган бу маҳалла ўз-ўзидан Регистон бозорига қўшилиб кетган.

«Тошкентнинг янги тарихи»да қайд этилганидек **«Бозорнинг дўкон расталари Чорсудаги қандолатпазлик дўконигача давом этади. Рамазон ойида бу ерда кечаси ҳам бозор бўлади, халқ савдо сотиқ, ҳар хил ўйин кулгу қиларди».**

Эски Жўва Себзор даҳасининг қадимий гузарларидан бири бўлиб, Охунгузар, Жанггоҳ, Пуштиҳаммом, Тинчоб маҳаллалари ва бозорга туташиб кетган. Унга шаҳарнинг Тахтапул, Зарқайнар, Қорасарой каби асосий кўчалари келиб қўшилади. Шунингдек, ҳозирги Маҳсидўзлик кўчасида маҳалла ҳунармандлари жойлашган бўлиб, савдо-сотиқ қайнаган жойлардан бири ҳисобланган.

Вақтлар ўтиб бу қадимий маҳалла ҳам марказий бозорнинг асосини ташкил қилиб, Эски Жўва номи билан атала бошланган. Бу атаманинг келиб чиқиши ҳақида турли хил қарашлар мавжуд. Тарихий манбаларда Жўйбор сўзи канал, дарё, баъзан ариқ бўйидаги жойларга нисбатан ишлатилган. Бир пайтлар ушбу ҳудуддан қадимий Жангоб ариғи оқиб ўтганлиги мазкур фаразни ҳақиқатга яқин эканлигини кўрсатади.

Тарихчи Ҳамид Зиёев ҳам бу атамани изоҳлар экан, «Эски Жўва» «эски ариқнинг ўзани» деган маънони билдиришини айтиб ўтади. Баъзи тарихчилар эса «эски» — сўзи сўғд тилида баланд деган маънони англатади ва бу термин қадимий Тошкентга жуда мос деган хулосага келиб, Эски Жўва — «баланд бозор» дегани деб таъкидлайдилар.

Айтиш мумкинки Эски Жўва қадимдан тинчлик рамзи саналган. Шаҳарнинг ўн икки дарвозасидан барча йўллар Эски Жўва бозорига келиб тақалган. XVIII асрнинг II -ярмида шаҳар 4 қисмга бўлиниб кетади. Ҳар бир даҳа (Кўкча, Шайхонтоҳур, Себзор ва Бешёғоч) алоҳида ҳоким томонидан мустақил бошқарилган. Бу давр тарихда чорҳокимлик даври деб ном олган. Даҳа ҳокимлари ташқи душман хавфини биргалашиб бартараф этганлар. Аммо улар ўртасида кечган ўзаро низолар кўпинча тўқнашувларга сабаб бўларди. Бундай пайтларда фақат Эски Жўва бозори бетараф жой ҳисобланиб, уруш, жанжаллар вақтида ҳам савдо-сотиқ давом этаверган.

XIX асрда шаҳарда 16 та карвонсарой, 4500 дан ортиқ дўконлар бўлиб, уларнинг аксарияти Эски Жўва бозори ҳудудида жойлашган эди. Буни ўша давр ҳақида ёзилган манбалар ҳам тасдиқлайди. Улардан бирида айтилишича: Ушбу бозорда 4,5 мингта дўкон, чойхона, устахона ва карвонсарой бўлган.

Молларнинг хилларига монанд равишда бозор расталари шаклланган. Масалан чит, ғалла, гуруч, бордон, беда, чопон, намат, сомон каби бозорлар шулар жумласидандир. Юқорида қайд этганимиз «Шум бола» асарида бозор расталаридан бири шундай таърифланади: **«Ана, иккинчи раста! Бир томонда кулоллик моллари, бир томонда совунгарлик. Сопол тоғора дейсизми, тоғорача дейсизми, хумдондан янги чиққан хум дейсизми, хурмача, хўкача дейсизми? Чертиб кўришга маҳтал жаранглаб кетади».**

Бозор фақат савдо-сотиқ қилинадиган жой бўлмай, бу ерда шаҳарликлар ҳордиқ чиқарган. Рамазон кунлари бозоршаб, яъни кечки бозор ҳам бўлган. Бозоршабда шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири ёки майдони безатилиб, кўчанинг икки четидаги чойхона ва дўконлар олдига чорпоялар қўйилиб, ҳар хил мева-чева, озиқ-овқатлар сотилган. Карнай-сурнай ва ноғоралар чалиниб, махсус жарчилар одамларни бозоршабга чорлаган. Барча Шарқ бозорларида бўлгани каби бу ерда ҳам бир томонда дорбозлар, масхарабозлар ва қўғирчоқбозлар, бир томонда эса кураш ва ўргатилган ҳайвонлар томошаси бўлиб турган. Чойхоналарда созанда, хонанда, аскиячи ва раққослар ўз маҳоратларини намойиш этишган.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асарида қайд этилганидек ***«Биргина Тошкент шаҳридаги кўчаларнинг номларини ўқиб, беихтиёр қайси мамлакатда юрганингизни билмай қолар эдингиз: Ленин, Маркс, Энгелс, Луначарский, Киров, Ворошилов, Лопатин ва ҳоказо. Шуниси ажабланарлики, большевиклар партиясининг доҳийлари бўлмиш бу инсонларнинг бирортаси ҳам умрида юртимизга қадам қўймаган, бизнинг тарихимиз ва қадриятларимизга мутлақо алоқаси бўлмаган кимсалар эди».***

Шўролар даврида бу ҳолатдан Эски Жўва бозори ҳам четда қолмаган. Эски Жўва маҳалласи ҳудудида Калинин ҳайкали ўрнатилиб, майдон ва бозор номи Октябрь деб атала бошланган. Аммо бу сунъий, ҳеч қандай тарихий ҳақиқатга асосланмаган ном тилимизга ҳам, ўзимизга ҳам сингиб кетмади. Барибир бу жойни маҳаллий аҳоли Чорсу, Эски Жўва каби номлар билан атайверди.

Неча асрлар давомида халқимиз ижтимоий-иқтисодий-маданий ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланган бозорларимизга мустақиллик йилларида давлат миқёсида эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 1996 йилда қабул қилинган **«Бозорлар фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашга доир кўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони эса том маънода бу борадаги ислоҳотларни бошлаб берди.

Бугунги кунда нафақат Эски Жўва балки, пойтахтимиздаги бошқа барча бозорлар миллий меъморчилигимиз услубида бутунлай қайтадан қад ростлади.

Хусусан, бозорларнинг моддий – техник базасини янада мустаҳкамлаш, сотувчи ва харидор учун қулай шарт – шароитлар яратиш мақсадида кенг кўламда қурилиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 2008 йилда ишлаб чиқилган дастур бўйича Эски Жўва деҳкон бозорига Сақичмон кўчаси томондан кириш аркаси замонавий усулда қайта таъмирланди.

Хулоса қилиб айтганда қадим тарихдан бугунги кунларимизгача етиб келган бозорларимиз ўтмиши ва бугуни ҳақида биргина мақола доирасида тўлиқ маълумот бериш қийин.

Бозорлар ҳамма замонларда ҳам юрт ободлиги, эл фаровонлиги рамзи бўлиб келган. Шунингдек, бозорларимиз халқ маънавиятининг ажралмас бир қисмидир. Фахр-ифтихор билан шуни айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида бозорларимизга миллий қадриятларимиздан бири сифатида қараш туйғуси шакллантирилди.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
ЎзМУ тарих факультети талабаси.
Шавкат АКРАМОВ
олган суратлар.

❖ СПОРТ

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ҒАЛАБА

2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионатининг Осиё минтақаси тўртинчи босқич саралаш учрашувида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Қатар футболчилари билан куч синашди. Мусобақанинг «А» гуруҳида қатнашаётган футболчиларимиз бунгача тўртта ўйинда майдонга чиқиб, атиги бир очко жамғаришганди.

Қатар миллий терма жамоаси билан кечган баҳсни ҳамюртларимиз кўтаринки руҳда ўтказиб, йирик 4:0 ҳисобида зафар қучишди. Иқтидорли ҳужумчимиз Фарҳод Тожиев рақиб дарвозасини уч маротаба аниқ нишонга олган бўлса, Анвар Солиев ҳисобни янада йириклаштирди. Бу ғалабадан сўнг, вакилларимиз тўрт очко билан гуруҳда учинчи ўринга кўтарилди.

Сайтама шаҳрида ўтказилган гуруҳнинг иккинчи ўйинида Япония футболчилари баҳрайнликларни мағлубиятга учратишди — 1:0.

Мусобақанинг «В» гуруҳида эса қуйидаги натижалар қайд этилди: КХДР — Бирлашган Араб Амирликлари — 2:0, Эрон — Саудия Арабистони — 1:2. Теҳронда кутилмаганда мезбонларнинг мағлубиятга учраши Эрон футбол федерациясининг янги қарор қабул қилишига сабаб бўлди. Шу вақтгача Эрон миллий терма жамоасига бош мураббийлик қилиб келган таниқли футбол юлдузи Али Даи истеъфога чиқарилди. Энди унинг ўрнида германиялик Эрих Рутемеллер фаолият юритади.

Ҳамюртларимиз навбатдаги учрашувни 1 апрель куни Сиднейда Австралия терма жамоасига қарши ўтказишади. Гуруҳнинг иккинчи ўйинида Баҳрайн — Қатар футболчилари ўзаро куч синашадилар.

Эркин ХОЛБОБО

Бир чимдим ҳажв

ОЛТИАРИҚ ҲАНГОМАЛАРИ

Олтиариқликдан сўрашибди:

— Энг фаросатли ҳайвон нима?

— Ит.

— Нега?

— Бодрингга тегмайди.

Олтиариқликдан яна сўрашибди:

— Энг фаросатсиз ҳайвон нима?

— Ит.

— Нега?

— Бодринг емайди.

✧✧✧

Олтиариқда Бешоғайни деган миришкор узумчилар маҳалласи бор. Ўша ерлик йигит Тошкентда узум сотиб турса, харидорлардан бири: «Буни қаердан опкелдинг?» деб сўрабди.

— Бешоғайнидан.

— Ўв, бола, мен узум қаерда етиштирилганини сўраяпман, — дебди харидор. — Кимлардан олганинг билан ишим нима?

✧✧✧

Ширинқишлоқлик анатомия ўқитувчисига: «Нега одамнинг оёғи иккита?» деб савол беришибди.

— Табиат уни шимга мослаб ясаган, — дебди ўқитувчи.

Анвар ОБИДЖОН

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г – 249
17081 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni —
Topshirilgan vaqti —
Sotuvda erkin narxda